

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 38 (1269)

2020 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬ

ЯНГИЙЎЛ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Акциядорлик жамиятининг ташкил топганига 29 йил тўлиши муносабати билан банк томонидан бир қатор хайрли ишлар қилинмоқда.



ЎЗМИЛЛИЙБАНК

Ана шундай янгиликлардан бири “Ўз-миллийбанк” Тошкент вилояти филиали Янгийўл филиалининг маъмурий биноси таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилганлиги бўлди.


“Ўзмиллийбанк” Янгийўл филиали 1998 йил 3 июлда ташкил топган бўлиб, шу кунга қадар Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ҳудудида фаолият юритиб келган. Мазкур филиал Тошкент

вилоятининг 5 та туманларига (Қуйичирчиқ, Чиноз, Зангиота, Тошкент ва Янгийўл) хизмат кўрсатиб келаётган бўлса, Зангиота туманида эса 1 та минибанк аҳолига сифатли банк хизматларини тақдим этмоқда.

Филиалда 800та жисмоний шахслар ва 700 дан ортиқ юридик шахсларга хизмат кўрсатилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келинмоқда.

Замонавий банк биносидан тўлов пластик карточкаларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида 2 банкомат, бир инфокиоск, 294 та савдо терминаллар дислокация қилинган.

(Давоми 3-саҳифада)



МАРКАЗИЙ БАНК ХАБАРИ



Марказий банк бошқарувининг 2020 йил 10 сентябрдаги қарорига мувофиқ, “GENESIS INNOVATION” МЧЖга тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда “FERGANA LOMBARD” МЧЖга ломбард фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди.

Шунингдек Марказий банк бошқарувининг 2020 йил 10 сентябрдаги қарорига асосан “Sabr mikrokredit tashkiloti” МЧЖнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги муносабати билан унга микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия қайта расмийлаштирилди.

Cbu.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 июндаги “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, академия фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

БИРИНЧИ ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ КЕЙС-ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБ ЖАМОАЛАРИ АНИҚЛАНДИ



(Давоми 4-саҳифада)

“АНВОР-РЕЙТИНГ” ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Ўзбекистонда биринчи рейтинг агентлиги “Anhor-reyting” масъулияти чекланган жамияти 1996 йил, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги 427-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси қошида ташкил этилган. Дастлабки йилларида агентликнинг асосий вазифаси банкларга рейтинг ва бошқа таҳлилий хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган.

1997 йилдан бошлаб Агентлик тижорат банкларни ишончлилик рейтингини тўртта: активлар, фойда, капитал ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича баҳолай бошлади.



Агентликнинг ҳўжалик субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш ва рейтинг баҳосини бериш фаолияти мамлакат миқёсида янги, етарли даражада ўзлаштирилмагани ва тажрибага эга бўлинмагани сабаб ходимларни малакасини ошириш ва у орқали бажарилади-

ган ишлар сифатини яхшилаш масаласи долзарб бўлиб қолди. Шу сабаб Агентлик 2005 йил Осие рейтинг агентликлари Ассоциацияси (Association of Credit Rating Agencies in Asia-ACRA) билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди.

(Давоми 5-саҳифада)



ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ “АСАКА” АТ БАНКИГА 50 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ АЖРАТАДИ

“Асака” акционерлик тижорат банки Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан (ЕТТБ) 50 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағларни жалб қилиш тўғрисида стратегик жиҳатдан муҳим келишувни имзолади.

Шуниси эътиборлики, мазкур кредит линияси миллий валютада деноминацияланади. “Асака” банки 2020 йилда Ўзбекистонда ЕТТБ дан миллий валютада молиялаштиришни жалб қилишга эришган биринчи банк бўлди.

Жалб қилинган маблағлар иқтисодий инқироз даврида қийинчиликка учраган микро ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий соҳаларига пандемия кўрсатган салбий таъсири камайтириш учун йўналтирилади. Мазкур кредит таъсири банк мижозларини, шу қаторда экспортёрларни пандемия даврида айланма маблағлар билан таъминлаш имконини беради.

Молия институтлари ва ЕТТБнинг Марказий Осиё бўйича раҳбари Ж.Шамсиевнинг таъкидлашича, ЕТТБ бир неча йиллар мобайнида “Асака” банк билан кўплаб йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар асосан иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштиришга қаратилган. “Асака” банк 2019 йил сентябрда ЕТТБ нинг Савдога қўмаклашиш дастурига қўшилди ва шу қисқа вақт



ичида 2019 йил якунларига қўра “Ўзбекистондаги энг фаол эмитент банк” мукофотини қўлга киритди.

Бугунги келишув самарали ҳамкорликнинг давоми бўлиб, Ўзбекистонда ЕТТБ учун аҳамиятли ҳисобланади, ва биз умид қиламизки, мана шу қийин дамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, мамлакат корхоналари фаолиятига пандемиянинг салбий таъсири юмшатишда қўмаклашишимиз мумкин.

А.Мирзиёев (“Асака” банк бошқарувчи директори – Ташқи иқтисодий фаолият департаменти бошлиғи) таъкидлашича, бугунги келишув Ўзбекистон Республикаси Президентининг №5996 “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган комплекс чора-тадбирлар доирасида амалга оширилмоқда. Жалб қилинган маблағлар “Асака” банкка пандемия натижасида даромадларнинг

қисқариши шароитларида банк кредитлашини амалга оширишни тақдим этиш имконини беради. Микро ва кичик бизнес - пандемия шароитларида иқтисодиётнинг энг нозик секторларидан ҳисобланади. Янги кредит линияси ёрдамида “Асака” банк маҳаллий бизнесни янада фаол қўллаб-қувватлайди, экспортни кенгайтириш ва халқаро бозорларга чиқишда қўмак беради.

ЕТТБ ва “Асака” АТБ ҳамкорлиги кўплаб йўналишларни ўз ичига олади ва кредит линияларини жалб қилиш билангина чекланиб қолмайди. Томонлар шунингдек, замонавий банк амалиётларини жорий этиш ва экспортдан ва экспортдан кейинги савдо операцияларини ҳам ҳисобга олган ҳолда савдо молиялаштиришнинг воситаларидан фойдаланиш соҳасида ҳам ҳамкорлик қиладилар. Бундан ташқари, ЕТТБ “Асака” банкни хусусийлаштириш олди тайёргарлиги бўйича ҳам ишлар олиб бормоқда.

ЎЗА

Жорий йилнинг 17 сентябрь куни Марғилон шаҳрида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Банк хизматлари маркази очилди. Мазкур муассасанинг иш бошлаши билан “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимидаги замонавий Банк хизматлари марказлари сони 43 тага етди. Анъанавий филиаллардан фарқли равишда мазкур марказлар ихчам шаклга эгаллиги боис аҳолининг банк хизматларига бўлган талабини тез ва сифатли қондириш имконини беради, дея хабар беради банк Ахборот хизмати.

МАРҒИЛОНДА ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Марказда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк ва консалтинг хизматлари, хусусан, жисмоний шахслар учун қулай шартларда микроқарз, овердрафт ва бошқа кредитларни расмийлаштириш ҳамда кредит карталари қисқа муддатда расмийлаштириб берилди.

Шунингдек, марказда мижозларга ҳисоб рақам очиш, омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлаш, қолаверса, банк хизматларига оид маслаҳатлар олиш каби кўплаб хизматларни тақдим этади.

Банк хизматлари маркази 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи замонавий банкот ва инфокиосклар билан таъминланган. Бу ерда Марғилон аҳолиси ҳамда меҳмонлари ҳафтанинг исталган куни, сутканинг исталган вақтида миллий ва халқаро пластик карталаридаги маблағларини нақдлаштириши, коммунал, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни амалга ошириши мумкин.



Жорий йил сўнгига қадар “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан республикамизнинг турли ҳудудларида яна ўндан ортиқ мана шундай Банк хизматлари марказлари ташкил этилади.

“RB ASIA” КОМПАНИЯСИ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ ОЛДИ

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги “RB ASIA” компаниясига Ўзбекистон қимматли қозғолар бозорига профессионал фаолиятни амалга ошириш учун инвестиция воситачиси лицензиясини берди. Бу ҳақда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Ахборот хизмати маълум қилган.

Инвестиция воситачиси лицензияси “RB ASIA”га Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, стартапларни венчур молиялаштириш, энг истиқболли инвестиция лойиҳалари ва Ўзбекистон бозорига жорий бизнесга инвестициялар киритиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш имконини беради.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, “RB Partners” халқаро инвестициявий-банк гуруҳининг бир қисми

бўлиб, у 2004 йилда ташкил этилган. Шу кунга қадар Россия ва МДҲ мамлакатларида инвестиция ва бизнес олди-сотдиси бўйича 2,5 миллиард доллардан ортиқ қийматли 90 дан ортиқ битимларни муваффақиятли якунлаган.

– Маҳаллий капитал бозорини ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ўзини тўла-тўқис оқламоқда, зеро биз халқаро ҳамжамиятнинг ишончи ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз, – деди



агентлик директори Отабек Назиров. – Агентлик ва профессионал иштирокчиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари мамлакатнинг инвестиция соҳасини сақлаш ва ривожлантиришга қўшимча туртки беришига ишонаман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон молия бозори халқаро компаниялар билан ҳамкорликни ўрнатишга тўла тайёр, “RB ASIA” ва бошқалар компанияларнинг Ўзбекистон капитал бозоригаги профессионал фаолияти буни тасдиқламоқда.

“RB ASIA” компанияси Ўзбекистон молия бозорига мавжуд ўзгаришлар ва кенг қўламли ислохотларни ҳамда фонд бозорининг ўсиш салоҳиятини алоҳида қайд этди. Ўз навбатида, компания бош директори Дониёр Исломов тўпланган халқаро тажриба ва халқаро инвесторлар билан узоқ муддатли алоқалардан фойдаланган ҳолда инвестицияларни жалб қилишда кенг қўмак беришга тайёрлигини билдирди.

АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” БОШҚАРУВИ РАИСИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Кузатов кенга- шининг тегишли қарорига асосан, банк Бошқа- руви раисига янги ўринбосарлари тайинланди.



Хусусан, Бобохон Бобожонов АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси ўринбосари этиб тайинланди.

Б.Бобожонов бунга қадар Ўзбекистон Респу- бликаси Марказий банки ва АТБ “Қишлоқ қури- лиш банк” тизимида турли лавозимларда ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг молия-иқтисод ишлари бўйича проректори вази- фасида фаолият юритган.



Шунингдек, Санжар Олимжонов АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси ўринбосари этиб тайинланди.

С.Олимжонов шу кунга қадар АИТБ “Ипак йўли” Газначилик бошқармаси бошлиғи лавози- мида ишлаб келаётган эди.

Finance.uz

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида мижозларга кўрсати- лаётган хизмат сифа- тининг тасдиқланган стандартлари асосида “Сирли мижоз” мето- дида доимий баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилган бўлиб, мазкур услуб доирасида барча хизмат кўрсатиш шохоб- чаларининг фаолияти ўрганиб келинмоқда.



“СИРЛИ МИЖОЗ” УСЛУБИ ИШ БЕРЯПТИМИ

Яқинда банкнинг барча филиаллари хо- димлари учун “Сирли мижоз” методи орқали ташқи маркетинг компанияси томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган ўрганиш натижа- лари юзасидан пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда Филиаллар фаолиятини муво- фиқлаштириш департаменти ва Ўқув маркази иштирокида масофавий видеоконференция ташкил этилди.

Видеоконференцияда Филиаллар фао- лиятини мувофиқлаштириш департаменти

директори Ойбек Дўсмұхамедов фили- алларнинг мутахассислари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили ҳамда хизмат кўрсатиш шарт-шароитларини янада яхшилаш бўйича тегишли кўрсатма- лар берди.

Банк филиаллари томонидан кўрсатилаёт- ган хизматлар сифатининг доимий равишда назорат қилиб борилиши, уларнинг самарали фаолиятида муҳим асос ҳисобланади.

Сабоҳат ХАЙТҚОРИЕВА

ЯНГИЙЎЛ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қулайликлар яратиш мақсадида Янгийўл шаҳар ҳудудида 1 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 24/7 режимда хизмат кўрсатувчи 3 та автоматлаштирилган валюта айирбо- шлаш шохобчаси ҳамда Чиноз тумани Яллама божхона постида 24/7 режимда хизмат кўрсатувчи валюта айирбошлаш шохобчаси шаҳар ва туман фуқаролари- га ҳамда ташриф буюрган меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда.



Банкнинг филиалида замонавий инновацион банк хизматлари кўрсати- лишига алоҳида аҳамият қаратилган- лиги ўз самарасини бермоқда. Банк мижозларининг 70 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланаётгани фикримиз тасдиғи бўла олади. Бунда ҳисобрақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик картчаларда хар қандан банк амалиётлари ҳамда тўлов- ларни амалга ошириш, омонат расмий- лаштириш амалиётлари, хорижий ва- люталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби банк хизматларидан масофадан фойдаланиш мумкин.


МИЖОЗ БИЛАН ИШЛАШДА ЎЗГАЧА ЁНДАШУВ

Халқ банки бугунги “Трансформация” жара- ёнида янгидан-янги хизмат турларини жорий этиб келмоқда. Корпоратив мижозлар билан яқин муносабат ўрнатиш ва уларга индивидуал ёндашув асосида хизмат кўрсатишга қаратил- ган “Индивидуал менежер” хизмати – шулардан биридир. Бу ҳақда банкнинг расмий вебсаҳифа- сида маълум қилинган.

Индивидуал менежер – банкнинг корпоратив ми- жозлари билан узоқ муддатли мустақкам муноса- батларни ўрнатиш, банк маҳсулотлари ва хизмат- ларига талабни шакллантириш ҳамда сифатли банк хизматлари кўрсатишга масъул ходим, яъни корпоратив мижозларнинг банк билан барча асо- сий алоқаларини амалга оширадиган асосий банк вакилидир.

Корпоратив мижоз мақоми нафақат банкнинг жо- рий мижозлари, балки рақобатчи банк хизмати- дан фойдаланувчиларни жалб этишни инobatга ол- ган ҳолда қуйидаги омиллар асосида “корпоратив” мақоми берилади.

Мижознинг кўп йиллик тажриба ва тарихга эга эканлиги, бозордаги обрў-эътибори, номига доғ тушмаганлиги, молиявий оқими барқарорлиги, унинг экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босишга қаратилган фаолияти, мижознинг жорий ходимлари сони ҳамда унинг бизнес фаолияти на- тижасида яратилаётган янги ишчи ўринлари сони каби бир қатор мезонлар асосида берилади.



Халқ банки томонидан “корпоратив мижозларга” бир қатор қулайликлар яратилган. Хусусан, корпо- ратив мижозларга банкнинг Бош офисидан “Инди- видуал менежер” бириктирилиши ва барча турдаги хизматлар, муаммолар, таклифлар ҳамда савол-ис- таклар мазкур менежер орқали ҳал этилади;

– корпоратив мижозларни банкнинг янги маҳ- сулотлар пакети билан таништириш, қўшимча таклифлар ёки илтимослар билан чиққан тақ- дирда барча ички тадбирлар индивидуал мене- жер назорати остида олиб борилади ва мижозга барча хабарлар фақат мазкур менежер томонидан етказилади;

– банк хизматларини индивидуал таклиф этиш, корпоратив интернет-банкнинг тизими, банк мутаха- сиссининг сайёр маслаҳатлари, хизматлари ва ҳ.к.; – корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда улар- нинг ишчи -ходимлари учун банк хизмат турлари (кредитлар, лизинг, факторинг, овердрафт, опе- рацион, касса ва ҳ.к.) бўйича алоҳида имтиёзлар белгиланади;

– зарурат туғилганда мижозларнинг сўровларига асосан банк хизматлари ва маҳсулотлари уларнинг таклифларига мослаштирилади.

Хушвақтов ОХУНЖОН

БИРИНЧИ ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ КЕЙС-ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБ ЖАМОАЛАРИ АНИҚЛАНДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур талаблардан келиб чиқиб, бугунги кунда академияда танлов асосида ўтказиладиган очик кириш, учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) ўқитиш ва бизнесни бошқариш (BBA ҳамда MBA) мутахассисликлари жорий этилди.

Банк-молия академияси ва "Ўз-миллийбанк" АЖ ҳамкорлигида илк бор ташкил этилган Ўзбекистон очик кейс-чемпионати ғолиб жамоаларини онлайн тақдирлаш маросимининг ўтказилиши ҳам бунга яққол мисолдир.

Ушбу кейс-чемпионатда 1 минг 500 нафарга яқин иштирокчи билим ва имкониятини синаб кўришга муваффақ бўлди.

Маросимда Банк-молия академияси ректори Тимур Ядгаров, "Ўз-миллийбанк" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Қудратулла Тўлаганов, "Ҳамкорбанк" АТБ бошқаруви раиси Жасур Ҳасанов ва бошқалар биринчи Ўзбекистон очик кейс-чемпионати мамлакатимиз ёшлари учун иқтисодиёт, банк ва молия соҳаларидаги билими, таҳлилий, жамоавий иши ва тақдимотларини намойиш этишда катта имконият яратишини таъкидлади.



Тадбирда "Tribal Leadership" концепцияси ҳамда "New York Times Bestseller" ҳаммуаллифларидан бири, америкалик кейс-чемпионати мураббийи Жон Кинг ҳам иштирок этди.

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатдир, – деди у. – Ушбу тадбирга тақлиф этиб, ғолиб жамоаларни табриклашга имконият яратганингиздан беҳад хурсандман. Иштирокчилар навбатдаги синовлардан муваффақиятли ўтиб, пухта билим олишига тилакдошман.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Банк-молия академияси бошқарув кадрларни тайёрлаш бўйича асосий олий

ўқув юрти ҳисобланади. Шу вақтга қадар ушбу муассаса магистратура йўналишида 3,5 мингдан ортиқ битирувчи ва 12 мингдан ортиқ курс талабалари таҳсил олган.

– Кейс-чемпионатининг асосий шarti шунақа бўлдики, биринчи босқичнинг ўзини беш тур орқали ташкил этдик, – деди академия матбуот хизмати раҳбари Гўзал Қодирова. – Унда иштирокчи жамоалар ўзларининг таҳлилий ҳисобот ва видео тақдимотлари билан қатнашди. Бу нима учун керак, деган савол туғилиши мумкин. Чунки бугунги замонавий раҳбар нафақат билим, балки ўзининг билимини тақдимот орқали ҳам кўрсатиб бериш кўникмасига эга бўлиши керак.

Бу йил очик чемпионат бўлгани учун иштирокларда ёш чегараланмаган. Яна бир янгилик шуки, банк-молия соҳаси бакалаврлари ҳам ўқишларини учинчи курсдан давом эттириш имкониятига эга бўлди. Иштирокчилар орасида магистратурага ва бакалаврдан ўқишини учинчи курсга кўчирмоқчи бўлганлар ҳам бор. Кейс-чемпионатида иштирокчилардан 309 нафари танлаб олинди. Энди улар иккинчи босқичда тест топширади.

Иккинчи босқичдан ўтган жамоа учинчи босқичда иш берувчилар суҳбатидан ўтади. Барча босқичлардан муваффақиятли ўтганлар академияда ўқиш имконияти ҳамда иш берувчи томонидан иш тақлифини ҳам қабул қилиши мумкин.

Яқунда иштирокчи жамоалар "Энг яхши жамоа видео таширф тақдимоти", "Молия соҳасида энг яхши кейс ечими видео тақдимоти", "Инновацияларни татбиқ қилиш бўйича энг яхши кейс ечими видео тақдимоти", "Солиқ соҳасида энг яхши кейс ечими видео тақдимоти" каби ўндан ортиқ номинация бўйича эълон қилинди ва тақдирланди.

Жорий йилнинг январь-август ойлари якуни бўйича республикамизнинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 24 537,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3 554,2 млн. АҚШ долларига ёки 12,7 % га камайди. Бу ҳақда Давлат статистика кўмитаси маълум қилган.

ЭКСПОРТ ИМПОРТДА ПАСАЙИШ



ТСАда сўнгги йилларда катта ўзгаришлар кузатиляпти. Мисол учун, сўнгги уч йилда ТСА Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси ошгани кузатилмоқда. Бошқа давлатлар (қўшни давлатлардан ташқари) билан эса, ТСА да энг юқори улуш Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Корея Республикаси ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келган. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор давлатлар орасидан бешта давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган. Хусусан, Афғонистон (461,8 млн. АҚШ доллари), Қирғиз Республикаси (394,5 млн. АҚШ доллари), Тожикистон (193,1 млн. АҚШ доллари) ва Эрон (39,6 млн. АҚШ доллари) шулар жумласидандир. Қолган 16 та давлатлар билан пасив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

Жорий йилнинг январь-август ойларида импорт ҳажми эса 12 928,7 млн. АҚШ долларини ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 80,9 % ни ташкил этди. Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (37,8 %), саноат товарлари (17,1 %) ҳамда кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (13,8 %) ҳисобига тўғри келди.

Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, жорий йилнинг январь-августидан импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 240,2 млн. АҚШ долларига камайди ва 12 163,6 млн. АҚШ долла-

рини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 765,2 млн. АҚШ долларига етди.

Жорий даврда импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан саноат товарлари импортининг улуши 16,6 % дан 17,1 % гача ўсди, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари 40,7 % дан 37,8 % га, ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари импортининг улуши эса 4,4 % дан 4,1 % га камайди.

Хизматлар импортининг таҳлили шуни кўрсатдики, жорий йилнинг январь-август ойларида 2019 йилнинг январь-август ойларига нисбатан жами импортдаги улуши 9,9 % дан 5,9 % га камайди.

Ҳисобот даври якунларига кўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Хитой Халқ Республикаси умумий импорт ҳажмида 22,0 %, Россия Федерацияси эса 20,5 % улуши билан етакчи ўринни эгаллаб келишмоқда. Етти йирик ҳамкор давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Қозғоғистон, Туркия, Германия ва Литва) жами импортининг 73,4 % улушини ташкил қилади, бу 9 486,4 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон 8 ойда қиймати 5,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган олтин сотди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига 147,2 % ни ташкил этиб, 1,8 млрд. АҚШ долларига кўп.

Олтин экспорти жами экспорт улушининг 50 % ни ташкил этмоқда.

Ўз мухбиримиз тайёрлади

(Бошланиши 1-саҳифада)

Осиё рейтинг агентликлари Ассоциацияси кўмагида 2006 йил агентликни бир неча ходимлари Тайланд Қироллигига малака оширишга юборилди. Бундан ташқари ACRAA, кўмагида рейтингни холислиги, дахлсизлиги, ишончлиги ва очиқлиги каби принципларга асосланган, тижорат банкларини кредитга лаёқатлик рейтингини баҳолаш миллий қўлланмаси ишлаб чиқилди. Қўлланмада 10 белгидан иборат тижорат банкларини "uzA++" энг юқори, "uxD" энг куйи кредитга лаёқатлик даражаси белгиланди. Ишлаб чиқилган қўлланма ҳозирга қадар кичик ўзгаришлар киритилишига қарамай тижорат банкларини кредитга лаёқатлик рейтингини баҳолаш қўлланмасини асоси бўлиб қолмоқда.

Қўлланмага мувофиқ, Агентлик 2006 йилдан бошлаб маҳаллий тижорат банкларини фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиб, якунида кредитга лаёқатлик миллий рейтинг даражасини бера бошлади. Бир вақтни ўзида агентлик йил чораклари якуни бўйича тижорат банкларини фаолиятини аналитик таҳлил қилишни йўлга қўйди ва натижалари бўйича аналитик-бюлетень чиқара бошлади.

Фаолиятини тижорат банкларини ҳисоботини ўрганиш ва уларга рейтинг баҳосини беришдан бошлаган Агентликнинг бугунги кунда рейтинг ва бошқа ахборат-таҳлилий хизматларидан нафақат банклар, балки сўғурта компаниялари, микрокредит ва баҳолаш ташкилотлари, ломбардлар, лизинг компаниялари, қийматли қўғозлар эмитентлари ва бошқа ташкилотлар фойдаланмоқда. Хўжалик субъектлари фаолиятини ўрганиш ва рейтинг беришдан ташқари Агентлик ҳар чоракда Ўзбекистон банк сектори фаолиятини таҳлилий шарҳини чоп этишни давом этмоқда. Таҳлилий шарҳ Агентлик томонидан махсус яратилган қўлланма асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг эксклюзив махсусоти ҳисобланиб, у Ўзбекистоннинг жами банк тизимини комплекс таҳлили билан бир қаторда, банк активлари ҳажми асосида бўлинган, бевосита

“AHBOR-REYTING” ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

банк гуруҳлари кесимидаги таҳлилни ҳам ўз ичига олади.

Бугунги кунда Агентлик томонидан ишлаб чиқилган банк секторини таҳлилий шарҳидан нафақат тижорат банкларини, балки бошқа миллий ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий ташкилотлар ҳам фойдаланмоқда. Улар қаторида Россиянинг "Лукойл" компанияси, "Pricewaterhouse Coopers" Аудиторлик фирмаси, АО "KDB Банк Ўзбекистон", "IShONCh" Банклараро сўғурта компанияси, Фуқароларни банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ва бошқалар.

каби 22 сўғурта компания агентлик билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари Агентлик хизматларидан кўплаб микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа қимматли қўғозлар эмитентлари фойдаланади.

Бугунги кунда маҳаллий хўжалик субъектларига маълум даражадаги рейтинг баҳоси берилиши уларни инвестицион жозибадорлигини ошириб, хорижий ҳамкорларни ишончини ошишига, халқаро молия ташкилотларидан кредитлар олишни енгиллаштиришига ва экспорт-импорт операцияларини рағбатлантиришига сабаб бўлмоқда.

томорқа ер эгалари уюшмаси билан биргаликда 2019 йилнинг ҳар чоракда банкларнинг тадбиркорларга хизмат кўрсатиш сифати ўрганилди ва тегишли рейтинг баҳоси берилди. Натижада бундай рейтинг баҳосини бериш тижорат банкларини ўз хизмат турларини мукамаллаштиришга уни сифатини оширишга ундади. Буни мамлакатимизда пандемия сабабли карантин элон қилинган даврида банклар томонидан мижозларга яратилган шарт-шароитдан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда 2019 йилни "Фаол инвестиция


бериш ўз самарасини бериб, улар ўз маблаглари ва хорижий валютада кредитлар ажратиш (хорижий банклар кредити ҳосибидан) ҳисобига мамлакатимиз инвестицион жараёнида фаол иширок эта бошлади. Якунида 2019 йил натижаларига кўра банкларни чет эл валютасида қилган инвестициялари ҳажми 2018 йил нисбатан 62,8 % ўсди.

"Ahbor-reyting" Агентлиги ўз фаолияти ва қўлланмаларини мукамаллаштириш, уларни халқаро меъёрларга яқинлаштириш устида доимий равишда иланишлар олиб бормоқда. Ушбу мақсадда 2018-2019 йилларда Агентлик ходимлари Россия ва Жанубий Корея республикасини бир қатор Рейтинг агентликларига ташриф буюрди.

Чет эл Агентликлари билан ҳамкорлик ўз самарасини бериб "Ahbor-reyting" Агентлиги бугун хўжалик субъектларига ўзини янги хизмат турларини таклиф этмоқда. Жумладан, банкларни мижозларга хизмат кўрсатиш сифати рейтингини ўрганиш ва (CSI) банк хизматларидан мижозларни қаноатланиш даражаси ҳамда (NPS) мижозларни банкларга хайрихоҳлик даражаси индексларини аниқлаш бўйича хизматларини таклиф этмоқда. Агентликни янги хизматларидан 2019 йилда жами 10 тижорат банки фойдаланган бўлса, жорий йил карантин элон қилинишига қарамай АТБ "Қишлоққурилишбанк" АО "KDB банк Ўзбекистон" ва ХАТБ "Туркистонбанк" Агентликнинг янги хизматларидан фойдаланди.

Юқорида баён этилганларнинг асосий омил бу Агентлик фаолиятини ва унинг қўлланмаларини рейтинг агентликларини ҳамжамияти томонида тан олиниши ва ўз касбини мукамал эгаллашунини хоҳлашга эга бўлиши ҳисобланади. "Ahbor-reyting" Агентлиги, келажакда ҳам ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси иқтисодини жадиди иқтисодиётига интеграциялашув жараёнидаги мавқеини мустақамлашга кўмак беришга йўналтиради.

Утқур НИГМАТОВ
"Ahbor-reyting" агентлиги
бош директори



Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисодига интеграциялашув жараёнини жадаллаштириш муносабати билан "Ahbor-reyting" Агентлигини хизматидан фойдаланувчи ташкилотлар рўйхати кундан-кунга ошиб бормоқда. Улар орасида АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк", АТБ "Асака", АТИБ "Ипотека банк", АТ "Халқ банки", ХАТБ "Orient Finans Bank", АТБ "Капиталбанк", АТБ "Мадат инвест банк", ХАТБ "Туркистонбанк" каби жами 30 банкдан 25 банк агентлик хизматидан фойдаланади. Сўғурта компанияларидан "IShONCh" банклараро сўғурта компанияси, "Ўзбекинвест" экспорт ва импортни сўғурталаш миллий компанияси, "Xalq Sug'urta"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришида ҳам Агентлик фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан 2018 йил 22 ноябрда ўтказилган мажлис баёнининг 20 бандига мувофиқ, Агентлик 2019 йил, Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси билан ҳамкорликда "Тижорат банкларини тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифати рейтингини аниқлаш қўлланмасини" ишлаб чиқди. Қўлланмага мувофиқ, Агентлик Ўзбекистон банкларини Ассоциацияси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Ишбилармон аёллар уюшмаси, Хунарманд ва Деҳқон хўжаликлари ва

ва ижтимоий ривожланиш" йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамда "Тижорат банкларини 2019 йил инвестицион фаолияти самарасини оширишга қаратилган Йўл харитаси"га мувофиқ, Агентлик "Банкларни инвестицион фаоллик даражасини ўрганиш ва рейтинг бериш" қўлланмасини ишлаб чиқди. Қўлланмага кўра, 2019 йилнинг ҳар чоракда банкларнинг инвестицион фаоллик даражасини ўрганиш ва рейтинг бериш натижаларига мувофиқ тижорат банкларига тегишлича рейтинг берилди ва юқори рейтинг баҳосига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" лойиқ деб топилди.

Банкларни инвестицион фаолиятини ўрганиш ва рейтинг баҳосини

ЯПОНИЯ САФ БОШИДА

БИРИНЧИ ТЎЛҚИН ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ
МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛИ

Замонавий япон модели II-Жаҳон урушидан кейин шакллана бошлади. Урушда фашистлар Германияси иттифоқчиси бўлган Япония мағлубиятга учради. Оқибатда япон иқтисодиёти қийин аҳволга тушиб қолди. Бу давлат саноатнинг чуқур инқирози, ҳарбий-иқтисодий моделдан конверсия йўли билан бозор моделига ўтишнинг қийинчиликлари, тинкани қуриб қолган тақчиллик, инфляцияни енгиб ўтиши лозим эди. Иқтисодиёти ҳарбий – милитаристик ишлаб чиқаришга бўйсундирилган бўлиб, энди уни конверсия йўли билан аҳоли биринчи даражаси эҳтиёжларини қондириш томон йўналтириш, мағлубият, аннекция, репарация, санкция ва оккупация изтиробларини тортаётган халқнинг руҳини кўтариш, қаддини ростлаш лозим эди.

Янги Япония ҳукумати бу қийинчиликларни нисбатан тез ҳал қилди. Чунки мамлакатдаги бошқаришнинг марказлашган маъмурий қолипи жорий этилган тартибот эмас вазиятни ҳисобга олиб, орқага чекиниш маъқул кўрилди. Шунинг учун иқтисодиётнинг бозор модели янгидан қайта яратилмади. Японияда собиқ Иттифоқдаги каби миллатнинг энг истеъдодли, энг қобилиятли қисми, яъни тадбиркор, омилкор кишилар, зиёлилар йўқ қилиб юборилмаган эди. Бу – асосий масала – ишни нимадан бошлашда эди. Ҳа, масала аввало, тўғри белгилаб олинди ва кейин муваффақиятли ечилди: иқтисодиётни жонлантиришнинг устувор томонлари аниқ белгиланди. Аввало, озиқ-овқат, металлургия, кўмир, руда, энг ҳаётий зарур буюмларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилди.



Япония иқтисодиётининг заиф томонларидан бири – унинг энергия ресурсларига қашшоқлигидир. Бу омил уни ташқи бозорга боғлаб қўяди. Ўтган асрнинг 60-йилларигача япон иқтисодиёти тош кўмир ҳисобига ишлади, аммо энергия инқилобидан кейин нефть маҳсулотлари истеъмолига ўтилди. 70-йиллардаги нефть кризисидан кейин япон ҳукумати ўз ядро энергетикасидан фойдаланиш ва корхоналарнинг бир қисмини табиий газга ўтказиш йўли билан нефтьга қарамликни камайитириш усулини қўллади. Кўмир ҳозир япон металлургияси ҳамда иссиқлик электр станцияларида фойдаланилади ва унинг ҳиссаси мамлакат энергия балансида 22 фоиздан ошмайди. Япония энди ўзида кўмир ишлаб чиқармайди, бу маҳсулотни у Австралия, Индонезия ва Хитойдан импорт қилади.

Нефть Япониянинг асосий ресурси ҳисобланади. Мамлакат энергия балансида унинг ҳиссаси 50 фоизга яқин. Нефтьдаги "асосий нефть маҳсулотлари – бензин, керосин, дизель ёқилғиси, мазут, лигроин олинади. Бу ресурсларнинг 99,7 фоизи, асосан, Яқин Шарқдан импорт қилинади. Япон ҳукумати муқобил энергия – ёқилғига, жумладан биоэтанолга ўтиш тадбирларини амалга оширмоқда.

Табиий газ истеъмоли бўйича, Япония жаҳонда олтинчи йирик бозор ҳисобланади. Газнинг сувоқлирилган ҳолдагиси йирик контейнерларда келтирилади. Табиий газнинг

барча қисмини японлар Малайзия, Австралия, Индонезия, Бруней ва Қатардан олиб келишни йўлга қўйганлар.

Японияда минерал қазилма бойликлар учрайди, аммо металлларга тақчиллик сезади. Япон саноатида ишлатиладиган амоний, темир рудаси, мис ва бошқаларни чет элдан импорт қилинади.

Мана шундай қийинчиликларга қарамасдан ўтган асрнинг 50-60 йилларида Япония мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларини энгил саноатдан оғир саноатга кўчирди. Бундан ташқари энергия ва ментал сифими юқори тармоқлардан илм-талаб соҳаларни юқори савияда ривожлантириш моделига ўта бошлади. Хукумат 70-йилларда электроника, аниқ ва мураккаб асбобсозлик, оптика, фотоаппаратлар ишлаб чиқариш, дори-дармонлар, илмий-лаборатория жиҳозлари ишлаб чиқаришга зўр берди. Илгари автомобилсозликда Япония америкаликлар ёрдамида намуна ва технологиялардан нусха кўчириш билан шуғулланади. Аммо бу йўл билан илгарилаб кетиб бўлмайди. Бунинг ўз вақтида англаган Япон Ташқи савдо ва саноат вазирлиги мутахассислари автомобилсозлик саноат ривожланишининг локомотиви бўлиши керак, деб ҳисоблади ва ҳукуматга автомобиль импортини чеклаш ҳамда мамлакатнинг ўзида бу тармоқни юксалтириш учун пойдевор шакллантиришни тавсия этади.

Маълумки, 50-йилларнинг ўрталарида корейс ярим оролида уруш бошланди. Ҳарбий ҳаракатларни таъминлаш мақсадида АҚШ Япониядан пўлат, автомобил, дори-дармон, тўқимачилик ва яна бир қанча маҳсулотларни сотиб ола бошлади. Яқиндагина бир-бирига қарши курашган икки йирик давлат энди яқин ҳамкорликка киришди. Япония учун бу "қурғоқчиликдан кейинги ҳузурли ёмғир" эди. Америкаликларнинг маҳсул буюртмалари "Тойота", "Ниссан", "Исудзу"ларнинг етакчи автосаноат компанияларига айланишига олиб келди.


Ҳукумат тармоқнинг ривожланишини қаттиқ назоратга олди. АҚШ армияси буюртмаси ҳисобига тармоқнинг молиявий аҳволи яхшиланди, технологияси янгиланди, япон автомобил саноати гуриллаб ривожлана бошлади.

70-йиллар япон автомобиль саноати ривожланишида янги босқич бўлди. 1973 йилдаги "нефть шохи" ёқилғи нархларини кескин ошириб юборди. Натижада энди харидорлар кичик габаритли (ўлчамли) тежамкор автомобилларни афзал била бошлади. Бундай автомобиллар устида ички бозор талабини ҳисобга олган япон конструкторлари анчадан бери бош қотираётган эди. АҚШлик харидорлар япон автомобиллари келишини ойнаб пойлашга рози эдилар. Америкалик дилерлар мамлакатга мошина жўнатишни тезлаштиришидан улуш оқиб кела бошлади.

Шукур ЖАББОР
(Давоми кейинги сонда)

GOLDMAN SACHS БЕШ “КЕЛАЖАК АКЦИЯЛАРИ”НИ САНАБ ЎТДИ

Акциялар бозорида тез орада янги юлдузлар порлаб чиқади, аввалги йиллар етакчи компаниялари, хусусан машҳур FAAMG (Facebook, Apple, Amazon, Microsoft ва Google) лар иккинчи даражага тушиб қолиши мумкин, дея башорат қилди Goldman Sachs.



Инвесторлар зудлик билан "юлдузли бешлик" FAAMG-дан ташқари тез ўсадиган компанияларни излашга тушиб кетди, деди Goldman Sachs-нинг акциялар бозори бўйича бош стратеги Девид Костин. Бунга FAAMGни қайта баҳолашдан кейин юзага келган ҳавотир ва сабаблар таъсир кўрсатди. Мутахассислар бундан буён бу компанияларда ўсиш суръати сустлашиши, ҳатто тузилмавий жиҳатдан ўзгариши мумкинлигини баён қилган.

Масалан, кўплаб активларни бошқараётганлар портфелларида 5 фоизли улушдан ортамаётган бир эмитентли акцияларда ўрин ололмапти.

Бошқа омиллар ҳам бор.

Хусусан, бугунги кунда S&P 500 капиталининг 23 фоизлик улуши FAAMG га тегишли бўлса Russell 1000 нинг 39 фоиз улуши шу бешталикка мансуб. 2000 йиллар бошида ком сайтлари тўлқинида ўхшаш ҳолат кузатилган эди. Ушанда йирик бешта компаниялар улуши (ўша йилларда Microsoft, Cisco, GE, Exxon ва Intel) S&P 500 нинг 18 фоиз капиталлашишига олиб келганди. Бироқ тез орада ҳаммаси ўзгарди.

Беш йилдан сўнг бу кўрсаткич 12 фоизга тушиб қолди, йигирма йилдан кейин эса умуман 8 фоизга етди. Айни пайтда FAAMGнинг S&P 500 капиталидаги улуши 2000 йилда атиги 3 фоизга тенг бўлганди, бугун эса бу кўрсаткич 23 фоизга тўғри келмоқда.

Ком сайтлари бозори ривожланган даврдаги эски бешталикка тегишли биргина компания ўз ўрнини сақлаб келмоқда: бу Microsoftдир. FAAMGда салмоқли ўринга эга Facebook эса S&P 500 индексига атиги 8 йил аввал кирган.

Бундан хулоса шуки, компаниялар ҳар қанча ривожланмасин аввалги ривожланиш суръатини сақлаш йилдан йилга қийинлашиб бормоқда, деб ёзади Девид Костин. Бундан ташқари, қонунчиликни тартибга солиш оқибатида бозордаги улушларга нисбатан

таваккалчилик ҳажми ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ Адлия вазирлиги ва Федерал савдо комиссияси FAAMGнинг Microsoftдан ташқари тўртта компаниясига нисбатан суриштирув ишларини бошлаб юборган.

Goldman Sachs акциялар бозоридан бўлажак юлдузларни излашни бошлаб юборган. Хусусан, сўнгги йиллардаги кўрсаткич ва келажақда бўлиши кутилаётган ҳолатларни инобатга олмоқда. Хусусан, сўнгги икки йилда муносиб номзоднинг савдоси қарийб 10 фоизга ўсган бўлиши талаб этилади. Келажақдаги башорат эса ушбу кўрсаткичнинг яқин келажақда ўзгармаслигини назарда тутиши лозим.

Шундай номзодлар қаторига 21 та компания киритилди. Сўнг банк эмитентлар яқин ўн йилда қуйидаги беш истиқболли соҳага алоқадорлигини текшириб чиқди:

Соғлиқни сақлашни компьютерлаштириш;
Бизнеснинг рақамли трансформацияси;
Иш жараёнини автоматлаштириш;
Электрон тижорат ва рақамли тўловлар;

Яқинда Goldman Sachs қуйидаги беш компанияни белгилади ва кейинги ўн йилликда акциялар бозоридан порлоқ юлдузга айланади мумкинлигини қайд этди. Булар:

- Vertex Pharmaceuticals Incorporated (VRTX) – биотехнология;
- Autodesk, Inc. (ADSK) – дастурий таъминот;
- PayPal Holdings, Inc. (PYPL) – молиявий хизматлар
- Intuitive Surgical, Inc. (ISRG) – соғлиқни сақлаш соҳаси
- Service Now, Inc. (NOW) – ахборот технологиялари.

Ҳозирча тузилган янги бешликнинг қисқача номи VAPIN деб аталди.

Интернет материалари
асосида тайёрланди


Айни пайтда унинг тикланиши бир текис эмас ва бир вақтда бўлмайди, дея огоҳлантирди Жаҳон банки бош иқтисодчиси ва вице президенти Кармен Рейнхарт.

Жаҳон иқтисодиёти коронавирус инқирозидан кейин қайта тикланиши учун беш йил муддат керак бўлиши мумкин, дейди Рейнхат Мадридда бўлиб ўтган конференциядаги маърузасида.

“Турли хил чекловчи чоралар ва карантинлар тугатилишидан кейин, эҳтимол, жадал суръатларда иқтисодий ўсиш кузатилади, лекин бутунлай тикланишга беш йилча вақт кетади”, – деди мутахассис.

Унинг таъкидлашича, тикланиш нотекис ва узок

ЖАҲОН БАНКИ: ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ТИКЛАНИШИГА 5 ЙИЛ КЕРАК



вақтга чўзилиши мумкин: айрим давлатларда тикланиш узокроқ муддатда бўлса, бошқаларда бу қисқароқ вақтни талаб қилиши мумкин.

Бадавлат мамлакатларда энг кам таъминланган аҳоли қатлами кўпроқ жабрланиши мумкин. Худди шундай ҳолат давлатларда ҳам кузатилади.

Яъни камбағал давлатлар бой давлатларга нисбатан кўпроқ қийналади.

Илк бор йигирма йил давомида инқироз камбағаллик даражаси ортишига олиб келади, дея башорат қилди иқтисодчи.

“Бу инқироз молиявий инқироз сифатида бошланмагани”, – деди мутахассис – “Бироқ жорий сустрелиш қанчалик чуқурлашганини ҳисобга олсак, у молиявий инқирозга айланиб улгурди. Бу бутунлай аён сабабларга кўра юзага келди: одамлар қайтиб эга бўлолмайдиган даражада ишсиз қолмоқда.

Улар ўз зиммасидаги қарзларни қайтара олмаяпти. Кўплаб бизнес фаолияти тугатилди ва бошқа очилмайди. Савдо марказларининг ишлари ҳам тўлиқ тикланмади”.

Бундан ташқари, жорий йилда Кармен Рейнхат хусусий ва суверен қарз берувчиларнинг кредит рейтинглари рекорд даражада ёмонлашганига эътибор қаратди. Унинг фикрича, бу ҳаддан ташқари кўп банкротлик юзага келишига олиб келиши мумкин.

Марказий банклар бутунлай кучсиз қолгани йўқ, улар тақдим этаётган кредит ҳажми қанча бўлишидан қатъи назар молиявий ва иқтисодий муаммолар эртаги кечми ўзини намоён этади, деди мутахассис.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ИНҚИРОЗГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАРАЖАДАН 35 ФОИЗ КАМЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Хитой, Россия ва Туркия энг яхши истиқболга эришган бўлса, Латин Америкадаги аҳвол ёмонроқлигича қолмоқда, дейилади Bloomberg хабарига. Ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий фаоллик (Хитойдан ташқари) август ойида инқирозга қадар даражага нисбатан 35 фоиз кам натижага етди, деб ёзда Bloombergнинг катта глобал иқтисодчиси Бьорнван Ройе.

Ўз ҳисобларида таҳлилчи банк карталаридан фойдаланганлик, одамларнинг ҳаракатланиш динамикаси ва бошқа шу сингари юқори частотали маълумотлардан чекинди. Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий тикланиш ривожланган мамлакатларга нисбатан секинроқ юзага келади. Аммо у давлатларда ҳам тикланиш суръати мақтанарли даражада бўлмаслиги мумкин, дейди мутахассис.



Унинг сўзига кўра, нисбатан яхши натижада тикланган давлатлар сирасига Хитой, Россия ва Туркиялар кирди, айни пайтда Латин Америка (айниқса Аргентина, Колумбия ва Чили) да аҳвол ёмонроқ.

Ривожланган дунёда иқтисодий тикланиш динамикаси мамлакатлар ўртасида катта фарқ қилади. Айримлари инқирозга қадар кўрсаткичларга қайтган бўлса, яна бошқалари ёмон эпидемиологик ҳолат туфайли бу кўрсаткичга қайтмаган.


Евроҳудуднинг йирик мамлакатлари, жумладан Германия, Франция, Италия ва Испания энг яхши натижаларни қўлга киритди. Буюк Британия, АҚШ ва Канада “анъанавий” иқтисодий фаоллик даражасидан анча йироқда.

2020 йил иккинчи чорақда яшаш минимуми даражасига нисбатан кам даромад топаётган россияликлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 миллион нафарга ортган. Бу эса камбағал россияликлар сони 19,9 миллион нафарга (аҳолининг 13,5 фоизи) етганини билдиради. Бу ҳақдаги маълумотлар давлат статистика Федерал хизматининг расмий вебсаҳифасида келтирилган.

РОССИЯДАГИ КАМБАҒАЛ ИНСОНЛАР СОНИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

“2020 йил иккинчи чорақда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кам таъминланган аҳолининг улуши 1,3 миллион нафар инсонга ортган”, – дейилади ҳисоботда. Таъкидланганидек, статистик маълумотлар тайёрланганида Россия Меҳнат ва зирлиги қарори томонидан 2020 йил иккинчи чорақда оширилган яшаш минимуми, яъни 11 468 рубль миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган.

2019 йил учинчи чорақ якунида Россияда камбағаллик даражаси 12 фоизга қисқарган эди. Ундан бир йил аввалги кўрсаткич эса 12,5 фоизга тенг эди.



Жаҳон иқтисодиётига етадиган умумий зиён миқдори 2021 йил якунига бориб тахминан етти триллион АҚШ долларига етиши мумкин. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкоти (ИХТТ) бош ҳисобчиси Лоранс Бун “Les Echos” нашрига берган интервьюда шундай маълумотни айтиб ўтган.

Дунё иқтисодиёти башорат қилинганидан тезроқ фурсатларда қайта тикланмайди, унинг оқибатида юзага келган шок ҳолати ҳам сезиларли даражада бўлади, деди Бун. “Айрим мамлакатлар бирданига бюджет томонидан қўллаб-қувватлашни тўхтатиб қўйишидан хавотирдамиз. Сабаби бундай ҳолат вазиятни янада чуқурлаштиради”, – деди у. Аввалроқ ИХТТ 2020 йилда жаҳон ЯИМ кўрсаткичи 4,5 фоизга камайишини тахмин қилганди, ундан ҳам

КОРОНАВИРУС ОҚИБАТИДА КЎРИЛГАН ЗАРАР МИҚДОРИ АНИҚЛАНДИ

илгарироқ позитив ҳолат юз берганида эса бу кўрсаткич 6 фоизга етиши башорат қилинганди.

Аввалроқ хабар берилганидек, йирик иқтисодиётли мамлакатлар коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун сарфланадиган харажат-

ларни кўпайтиради. Натижада уларнинг давлат қарзи ҳажми Иккинчи жаҳон уруши давридаги даражадан буён рекорд ҳажмига етди. Ривожланган иқтисодиётга эга давлатларда 2020 йил июль ойида унинг улуши жаҳон ЯИМ ҳажмининг 128 фоизига тенг эди.



САЙЁРАДАГИ ЭНГ ЗАҲАРЛИ МАВЖУДОТ



Дунёдаги энг заҳарли мавжудот ҳақидаги маълумот, илк бор Европага XVI аср бошларида, Жанубий Америка халқларини зўравонлик билан махв этаётган испан конкидористлари орқали етиб келган. Миссионерлардан бири уни: “Иблиснинг энг заҳарли кашфиёти” деб номлади. Уша “кашфиёт”, аслида бор йўғи бир неча граммдан ошар-ошмас жимиттакина бақача экан. Колумбия ҳиндулари уни кокои деб аташар экан. Бошқа қабилада унга “Анакондадан қудратлироқ бақа” деб ном беришган. Анчагача шунақа бақанинг мавжудлигига Европадагилар ишонишмаган. Одамлар кобра, гурзи, чаён, қоракурт ва ҳатто кураренинг заҳари хавфи ҳақида билишар, лекин кокоининг заҳари ҳақида ҳеч бир тасаввурга эга бўлишмаган. Унинг заҳари курареникидан ҳам бешбаттар эканини қаёқдан ҳам билишсин.

Замонлар ўтиб, олимлар “сайёрадаги энг заҳарли мавжудот” сирини очишга бел боғлашди. Жанубий Америка қитъасининг Чако деган ўлкасида Марта Лэхэм бошчилигидаги илмий экспедиция шу ишга қўл урди. Колумбияликларнинг ўзлари бу лаънати маконни “Само тешиги остидаги ўрмон” деб аташар эди. Тинимсиз жалалару ботқоқликлар кокоининг жонажон ватани!

Ниҳоят, Марта йўлга тушади. Совға-саломлар эвазига у ҳиндулар қабилиси сардоридан мудҳиш бақаларни овлашга ижозат олади. Уша заҳарли мавжудотларни овлаш учун энг моҳир овчилар жўнатилади. Улар кокоиларни махсус найлар ёрдамида излаб топдилар: бунни қарангки, заҳарли бақалар мусиқани севишаркан(!). Ахийри, Марта Лэхэм банкаларида элликтача заҳарли мавжудотлар пайдо бўлади. Кўринишидан улар беозорга ўхшайдилар. Экспедиция шошилини ортига қайтади. Аввалига дарё бўйлаб. Кейин самолётда. Кокоиларнинг фақат еттига нусхаси манзилгача улмай етиб боради. Афсуски, улар ҳам лабораторияда нобуд бўлишади. Муҳими нима эди – уларнинг заҳари! Қолаверса, уша заҳарни организмдан ажратиб олиб, кимёвий таркибини, тузилиши формуласини аниқлаш керак эди. Нима бўлди денг, шу жойида тадқиқотчилар боши берк кўчага кириб қолишди: ўлик кокоилар мутлақо заҳарсиз ва безарар экан. Демак, заҳар фақат тирик организмда бўлар экан-да. Тиниб-тинчимас Марта Лэхэм ортига – чангалзорга қайтишга мажбур бўлди. Нима қилиб бўлса-да, ҳиндулар билан тил топишиб, кокои заҳарини қўлга киритма-

са иши пачава. Тасодифий бир ҳодиса Мартанинг жонига ора киради. Қабиладаги бир қанча одам тропик безгак билан оғриб қолади. Айниқса, кексаларнинг аҳволи ёмонлашади. Марта уларга тиббий ёрдам кўрсатиб, яқин бўлиб қолди. Шунда ҳиндулар Мартага ёрдам қилишга қарор қилишди ва кокои заҳари қандай йўл билан олиншини кўрсатишди. Чангалзордан ов қилиб қайтаётган ҳиндулар саватчаларида кокоиларни келтиришди. Эҳтиёткорлик билан уларни учи ўткир таёқчаларга санчиб, оловда тоблашди. Бақа териси иссиқ ҳароратдан паққапаққа ёрилиб, шаффоф оқ томчилар пайдо бўла бошлади. Ана ўша томчилар кокоининг дахшатли заҳари экан!

Марта Лэхэм битта бақачадан олинган заҳар билан элликта ўқ-ёйга ишлов беришганига гувоҳ бўлди.

– Йигирмата тапир, йигирмата парранда, ўнта маймун, – деди сардор жангчиларига. Бу қисқача айтилган сўз – буйруқ эди. Марта чолдан кокои заҳари ўн йилгача ўз кучини йўқотмаслигини билиб олди. Экспедиция ортига қайтгач, тадқиқотчилар кокои заҳарини тоза, шаффоф ҳолатида қўлга киритгунларича яна бир йил тер тўқишларига тўғри келди. Унга батрахотоксин деб ном беришди. Илк тадқиқотларнинг ўзидаёқ, кўҳна ҳинду афсоналарида бу заҳар ҳақида айтилган гаплар рост экани аниқланди. Бу заҳар чиндан ҳам жонзотларга хос заҳарлар орасида энг ўткир заҳар экан! Кобра заҳари ундан эллик мартаба кучсиз эканининг ўзи бу фикрни тасдиқлаб турибди. Шу тарика, коинотимиздаги энг хавфли заҳарнинг сирини очилди...

1878 йилнинг 14 майида Вазелин савдо маркази қонуний жиҳатдан рўйхатдан ўтказилади. Уни эса сал олдинроқ, яъни 1859 йилда англиялик кимёгар Роберт Чезбро тасодифан ихтиро қилиб қўяди.

ТАСОДИФИЙ КАШФИЁТ


Энди бу факта эътибор қилинг. Кимёгарнинг олдига нефть қонида фаолият олиб борадиган кончилар жуда кўп бора ҳар хил даражадаги шикастлар билан мурожат этишади. У тасодифан нефтьдан вазелинни кашф қилиб қўяди. Кейин эса уни ишчиларга ярасини боғлаш учун бера бошлади. У вазелинга шу даражада ўрганиб қоладики, уни ҳар куни бир қошиқдан истеъмол қила бошлади.

Маълумот ўрнида, Роберт Чезбронинг 96 ёшида оламдан ўтганини айтиб ўтамиз. Шу каби тасодифан кашф қилинган ихтиролар жуда кўп.



ИЛК ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ

Илк бор қоғоз ишлаб чиқаришни Хитойга боғлашади. Лекин оммавий равишда қоғоз фабрикалари бошқа мамлакатларда вужудга келган.



Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича биринчи фабрика Боғдодда Хорун ар-Рашид вазирининг ўғли Ибн Фазл томонидан 794 йилда қурилган. Шунга ўхшаш фабрикалар 800 йилда Мисрда ва 950 йилда Андалусия (Испания жануби)да ҳам қурилган.

Бу даврларда Самарқанд қоғозининг сифати анча кенг тарқалади. IX асрга келиб, ушбу тармоқ шаҳар хунармандчилигининг энг муҳим жабҳаларидан бирига айланди. Аста-секинлик билан Самарқанд қоғози бутун шарқ ва ғарб бозорларини ҳам эгаллади.

Европада бу турдаги фабрикалар анча кечроқ фаолият юрита бошлаган. Масалан, Византияда 1100 йилда, Сицилияда 1102 йилда, Германияда 1228 йилда, Англияда эса 1309 йилда.

Мамлакатимизда эса 19-асрда қоғоз ишлаб чиқариш қўлбола цехлари пайдо бўлган.

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

“Ўзгросуғурта” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Я.Фулмонов кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган маъмурий бино реконструкцияси учун тендер эълон қилади.

Тендерда иштирок этувчилар объект учун тижорат таклифларини бир ой муддатда тақдим этишлари сўралади.

Батафсил маълумотни xarid.uz веб-сайтидан олишингиз мумкин.

“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” АЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Яқинлашиб келаётган 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан муносабати билан қадрли устоз ва мураббийларни қутлайди.

Азиз ва мўътабар устозлар, сизларнинг заҳматли меҳнатларингиз олдида таъзим қиламиз.

Сизларнинг Ватан равнақи йўлида қилаётган меҳнатингиз шарафли ва хайрлидир.

Бу йўлда сизга доимо сиҳат-саломатлик зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Азиз, устоз ва мураббийлар,
сизларнинг мамлакатимиз
ривожига йўлида амалга ошираётган
шарафли ишларингизда улкан
мувафақияту зафарлар ёр бўлсин.
Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат ва файзу барака ҳеч қачон аримасин.
Доимо мана шундай эл ардоғида бўлиб
юришларингизни тилаб қоламиз.*





“КАПИТАЛБАНК” АТБ ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун
 билан келажак авлодни камолотга етказишдек масъулиятли ва
 шарафли йўлда хормай-толмай меҳнат қилаётган барча устозу
 мураббийларни касб байрамлари билан муборакбод этади.


*Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик
 ва бахт-саодат тилайди.*

*Ёшларнинг таълим-тарбия олишида қўшаётган машаққатли ва
 эзгу ишларингиз учун ташаккурлар билдириб қоламиз,
 азиз Устозлар!*





МЧЖ "SAMERTEKS-GILAM" ҚЎШМА КОРХОНАСИ



Юртимиздаги барча педагог ходимларни
1 октябрь - Ўқитувчи ва
мураббийлар кунин билан табриклайди.
Жонажон ватанамизнинг янги қиёфасини
яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва
маънавий фазилатлари билан
барчага ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижоатли
касб эгаларини ёшларни комил инсон бўлиб улғайишларида
қўшаётган ҳиссалари учун миннатдорлик билдирамыз!
Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадга қаратилган оғир ва
машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли
вазифани адо этишларингиздаги
ишларингизга омадлар тилаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги

ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чол этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан
"Банк ахборотномаси" да эълон қилинган
материалларни кўчириб босишга ижозат берилди.
Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами
билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –
лайшанба кунин чиқади.
Буюртма № г 0344 А-1384
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп
этилди. Босишга рухсат этилди: 22.09.2020 й.,
1 2 3 4 5 6